

Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
НОКИМИ
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
НОКИМИ
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 469а

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Мархум Худайберганов
Сотимбойнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Қипчоқ” маҳалласида яшовчи фуқаро Худайберганов Шомурод Сатимовичнинг мархум отаси Худайберганов Сотимбойнинг “Қипчоқ” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 5 февралдаги ХО-Х-374-сонли аризасини, “Қипчоқ” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 5 февралдаги 507-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани “Қипчоқ” маҳалласида жойлашган 12 (ўн икки)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 103,25 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 190,35 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 293,60 квадрат метр, қурилиш ости майдони 484,50 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр (умумий ер майдони 2074,7 квадрат метр бўлган ушбу турар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган 774,7 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилаётган ер майдонини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олиш шарти билан) ушбу турар жой биносига нисбатан мархум Худайберганов Сотимбойга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Мархум Худайберганов Сотимбойнинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда шунингдек, вақтинча фойдаланишга берилаётган 774,7 квадрат метр ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланса Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Мархум Худайберганов Сотимбойнинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев

